

Тураг жойида яшовчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

7. Тураг жойида яшовчиларнинг хуқуқлари:

тураг жойи биноларидаги маданий-маиший жиҳозлардан фойдаланиш;

фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган жиҳоз, мебел ва бошқа мулкларни таъмирлаш, янгилаш ҳамда майший хизматлардан фойдаланишда юзага келган камчиликларни бартараф этишни сўраб тураг жойи раҳбариятга мурожаат қилиш;

тураг жойида ўтказиладиган оммавий, маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;

яратилган шарт-шароитлар бўйича Академия раҳбариятига таклифлар билан чиқиш;

Талабалар кенгаши аъзоларини сайлаш ва унга сайланиш;

Талабалар кенгаши орқали тураг жойининг майший таъминотини такомиллаштириш, тарбиявий ишлар ва маданий ҳордиқни ташкил этиш, яшаш хоналарини жиҳозлаш бўйича масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш.

8. Тураг жойида яшовчиларнинг мажбуриятлари:

мазкур низом ва тураг жойи ички тартиб қоидалари, шунингдек Академия билан тузилган шартнома қоидаларига риоя қилиш;

навбатчилик жадвалига биноан яшаш хоналарида, қаватларда, умумий фойдаланиш жойлари (ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва бошқа жойлар) да навбатчилик қилиш;

умумий фойдаланиш жойлари, яшаш хоналари ҳамда дам олиш жойларида намунали тозаликни ташкил

этиш, ундаги жиҳозлардан тўғри ва унумли фойдаланиш;

газ, электр жиҳозларидан ҳамда иситиш тизимидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

тураг жойидан узок муддатга кетаётиб (ёзги ва қишики таътил, дам олиш, амалиёт, академик таътил олган ҳоллар), тураг жойи раҳбарини икки кун олдин ёзма равишида огоҳлантириб қўйиш;

кундалик эҳтиёжга эга бўлмаган катта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни тураг жойининг буюмлар саклаш хонасига топшириш;

яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиш;

тураг жойида яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиш;

тураг жойидаги мавжуд барча жиҳозларни намунали даражада тутиш;

умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш;

тураг жойида ўтказиладиган ҳашарларда, атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишида қатнашиш;

тураг жойи мол-мулкидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва зарап етказмаслик;

ўқишини тугатган ёки талабалар сафидан четлаштирилган, академик таътил олган ҳолларда икки кун муддатда, шунингдек тураг жойидан узок муддатга кетишидан олдин (ёзги ва қишики таътил, дам олиш, амалиёт) жиҳозларни ва хона калитини тураг жойи

рахбариға қайтариб топшириш.

9. Тураг жойида яшовчиларга қуидагилар ман этилади:

тураг жойи раҳбарининг рухсатисиз бир хонадан иккинчи хонага кўчиб ўтиш;

яаш хонасида кир ювиш;

хонадаги анжомларни бошқа хонага рухсатисиз кўчириш;

хонадаги электр тармоқларини ўз хоҳишича ўзгартириш ва қўшимча ёритгич ўрнатиш, деворларга расмлар чизиш ва ёпиштириш;

овоз кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланиш, юқори овозда ашула айтиш ва мусиқа асбобларини чалиш;

электр иситгичлар ва керосиндан фойдаланиб ишлайдиган асбобларни ишлатиш;

яаш хонасида бегона шахсларнинг тунаб қолишлари учун жой бериш;

спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш, сотиш ҳамда карта ва қимор ўйинларини ўйнаш ва ҳ.к.;

тураг жойи хоналарида диний маросимларга оид тадбирлар, йигинлар ўтказилиши, диний сабоқ берилиши ва ўрганилиши.

10. Тураг жойи фаолиятида иштирок этишда фаоллик кўрсатган намунавий хулқли талаба қуидаги тартибда рағбатлантирилади:

миннатдорчилик билдириш;

мақтov ёрлиғи топшириш;

эсдалик совғалари билан тақдирлаш;

моддий рағбатлантириш.

11. Тураг жойи ички тартиб қоидалари, Академия

одоб-ахлоқ қоидаларини бузган талабага нисбатан қуидаги чоралар кўрилади:

- Ҳайфсан;

- Тураг жойидан чиқариш.

12. Академиядан четлатилган талаба шу хусусида буйруқ чиққандан сўнг ёки бошқа сабаблар бўйича тураг жойидан чиқиши белгиланган талаба бир ҳафта муддат ичидаги тураг жойидан чиқарилади.

13. Талаба тураг жойида фойдаланиб келаётган молмулкка бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.